

ҒУЗОР ВОҲАСИ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*ҚВПҚҚТМОИ катта ўқитувчилари,
т.ф.н. П. Норбўтаев,*

Қадимги даврда Қашқадарё воҳаси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи қабилаларининг жойлашувига қараб, Насаф ва Кеш вилоятларига бўлинган бўлиб, уларнинг табиий географик чегараси айнан Ғузор рустағидан ўтган [1].

VIII аср бошларида “Хузор” ёки Ғузор алоҳида вилоят ҳудуди ҳисобланиб, уни Сабукра исмли подшо бошқарган. Бу шаҳар мустақкам қалъага эга бўлиб, араблар ҳарбий куч билан ололмайд, фақат маҳаллий аҳоли билан келишган ҳолда тинчлик сулҳ шартномасига асосан эгаллаган [2]. Ғузордан 3-4 км жанубда, Ғузордарёнинг чап қирғоғида Мардтепа қалъасининг қолдиқлари жойлашган. Маҳаллий аҳолининг маълумотича, бу ерда исломгача жуда жасур, журъатли ва ўз халқини адолатли бошқарган маҳаллий ҳукмдорлар, яъни “мард” ларнинг қароргоҳи ўрнашган. Араблар босқинидан сўнг “мард” лар ҳокимияти тугатилган ва шаҳар аҳолиси бу жойни ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Археологик маълумотларга қараганда, бу шаҳарчада аҳоли милоддан аввалги I асрдан то милодий VII асргача яшаган. Мазкур қалъа Бақтрия – Тохаристон вилоятлари томондан бўладиган душман ҳужумидан ҳимояланиш учун қурилган [3].

Мардтепа қалъаси ҳаробаларидан шимолда Ғузордарёнинг чап қирғоғида Ғузорттепа қалъаси ҳаробалари жойлашган. Бу ерда ҳаёт ўрта асрлар даврида ҳам давом этган [4]. Айнан мана шу мавзеда араблар томонидан вайрон қилинган ўрта асрлар шаҳри – Ғузор жойлашган. Ўрта асрлар даври манбаларида мазкур шаҳар “Хузор” номида учрамайди. XII асрда араб муаррихи Ас-Самъонийнинг ёзишича, Ғузор рустағида Сурхакат ва Искифагн қишлоқлари жойлашган [5]. “Сурхакат” ёки “Сурхкат” номлари “сурх” ва “кат” номли суғд ёзувидан келиб чиққан бўлиб, “қизил шаҳар” ёки “қизил қалъа” деб таржима қилинади.

Ушбу мавзе илк ўрта асрлар даврида ҳам мавжуд бўлиб, ўз қалъасига ҳам эга эди. Араблар шаҳарни вайрон этганларидан кейин Хузор аҳолиси Ғузортёпа шаҳарчаси ўрнида янги шаҳар барпо этиб, уни Сурхкат деб номлаган. Мазкур шаҳар IX-X асрлар тарихий манбаларида ҳам учрамайди. XII асрда Ас-Самъоний уни “қишлоқ” деб номлайди. Шаҳар “Хузор” номи билан илк мартаба XIV аср манбаларида шунингдек, XV-XVI асрлар вақф ҳужжатларида ҳам учрайди [6].

Араб географи Ёқутнинг маълумотига кўра, “Хузор” номи арабча “ал-хазар” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “дарёнинг тор жойи” деб таржима қилинади [7]. Тилшунос Т.Н. Нафасовнинг фикрича, “ғузор” географик атамаси “дарёнинг кечув жойи” деган маънони англатади [8].

Иккинчи йирик қишлоқ Искифагн деб номланиб, у Хузор рустағида жойлашган. Мазкур шаҳар Субаҳдан 1 фарсах ўтиб, Термизга борадиган карвон йўлида жойлашган. Шаҳар номидаги “фагн” атамаси суғдча сўз бўлиб, исломгача бу ерда маҳаллий аҳоли маҳаллий худоларга ибодат қиладиган қандайдир ибодатхона мавжуд бўлган [9]. Фанда «Искифагн» этимологияси бўйича иккита вариант мавжуд: “Йирик ибодатхона” суғдча “иски” ва “багн” сўзларидан ёки “Эски ибодатхона”, туркча “иски” ва “пагн” сўзларидан олинган [10]. Муаллифи номаълум “Худуд ал-олам” асарида келтирилиши ва мазкур шаҳар номи “Сакифагн” шаклида бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам шаҳарнинг ҳам ибодатхонанинг номи бўлган. Бу ибодатхона хитой манбаларида Се-ки-полан шаклида ёдга олинган [11]. Рус шарқшуноси В.В. Бартольднинг ёзишича, ҳозир Искифагн атамаси воҳадаги **“Эскибоғ қишлоғи”** номида сақланиб қолган [12].

XX асрнинг 20-йиллари ва XXI аср бошларида Ғузор қишлоқларида сувга яқин, асосан Ғузордарё ва Қашқадарё соҳилларида суғориш ишлари мунтазам йўлга қўйилган бўлиб, сабзи, пиёз, боғдорчилик экинлари билан бирга ғўза ҳам экилган. Мазкур ерларда ўзбек халқи таркибига кирувчи турли субэтносларга мансуб аҳоли истиқомат қилиб келишади. Масалан, Чўмичли қишлоғи туман марказидан 12 км ғарбда, Ғузордарёнинг ёқасида

жойлашган. Ҳозирги вақтда мазкур қишлоқда 462 хонадон, 481 оила яшаб бўлиб, аҳолиси 2205 нафар кишини ташкил этади [13]. Ўтмишда Чўмичли қишлоғи икки қисмдан иборат этилган: қуйи Чўмичли ва юқори Чўмичли.

Дала-этнографик маълумотларига кўра, XIX асрнинг охирларида аҳолининг илк жойлашуви қуйи Чўмичли қишлоғи ҳудудларида содир бўлиб, 45-50 хўжалик яъни 250 нафарга яқин киши мазкур қишлоқда истиқомат қилишган. Ушбу даврда қишлоқ аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик, қисман чорвачилик билан ҳам шуғулланишган. Бу ерда яшовчи аҳоли ўзларини **қўнғирот уруғи таркибига кирувчи вахтамғали қавмиданмиз**, - деб таъкидлайдилар [14].

XX асрнинг 20-йилларида Бухоро амирлиги ҳудудидаги сиёсий вазиятнинг кескинлашуви шунингдек, истиқлолчилик ҳаракати муносабати билан воҳадаги вазиятнинг нотинчлиги туфайли қуйи Чўмичли аҳолиси 3 км шарққа, ҳозирги ўрни юқори Чўмичли қишлоғи ҳудудига кўчиб келиб жойлашишган [15]. Чўмичли қишлоғидан шимол томонда Зангибобо қишлоғи жойлашган. Ҳозирги кунда ушбу қишлоқда 126 хонадон, 147 оила мавжуд бўлиб, 521 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади [16]. Аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик, қисман эса чорвачилик билан шуғулланишади. Бу ерда **ачамайли, қочой, қовқа, оллос уруғларига** мансуб аҳоли вакиллари яшайди. Қишлоқда яшовчи **ачамайлилар** ўтроқ аҳоли ҳисоблансалар, бундан фарқли равишда ярим ўтроқ **қовқалар** XX асрнинг 60 йилларида Қамаш туманига қарашли Қамай қишлоғидан кўчиб келган [17].

Юқорида биз Субах, Субахтепа номлари хусусида бироз тўхталиб ўтган эдик. Бу номлар айниқса арабларнинг босқинчилик юришлари даврига оид тарихий манбаларда кўп бор тилга олинади. Арабларга қарши ҳаракат етакчиларидан бири Муқанна Амударёнинг ўнг соҳилига ўтганда, у Субахда кутиб олинганлиги қайд этилади. Бу манбаларда қайд этилган Субахтепа бугунги кунда Совбоғ қишлоғи яқинидаги тепалик бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Совбоғликлар бу тепаликни Яполоқтепа деб ҳам аташади [18].

Аҳолисининг асосий қисми деҳқончилик шунингдек, чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Бу қишлоқда ўзбек халқининг **қўнғирот, керайит ҳамда найман** уруғларига мансуб аҳоли асосий ўринни эгаллайди [19]. Ҳозирги кунда мазкур қишлоғда 316 хонадон, 349 оила ҳамда жами аҳолиси 1832 нафар кишини ташкил этади [20].

Совбоғ қишлоғидан ўтувчи йўл Қумчўп ва Сарой қишлоқлари ёнидан Тўртсари томон олиб боради. Бу қишлоқдаги Қумчўпота зиёратгоҳига айниқса, ёз ойлари зиёратчилар келишади. Қумчўп ва Сарой қишлоқлари географик нуқтаи-назардан бироз баландроқда, жойлашганлиги сабабли бу ер худудни сув билан таъминлаш қийин бўлганлиги учун бошқа қишлоқлар билан таққослаганда, бу ерда аҳолининг суғорма деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятлари анча паст. Қумчўп ва Сарой қишлоқларида асосан, туманнинг бошқа қишлоқларидан фарқли, **қовчин ва сарой уруғлари** вакиллари асосий ўринни эгаллайди. Айни вақтда Қумчўп қишлоғида 280 та хонадон, 313 та оила ва аҳолиси 1606 нафар кишини ташкил этса, Сарой қишлоғида 95 та хонадон, 110 та оила ва 672 нафар киши истиқомат қилади [21].

Воҳанинг Шакарбулоқ фуқаролар йиғинига қаршли Тўртсари қишлоғининг яна бир номи Саройқишлоқ ҳисобланади [22]. Бунга асосий сабаблардан бири Тўртсари ва Чавка [23] қишлоқларида ўзбек халқининг **сарой қавмлари** кўпчиликини ташкил этади. Ҳозирги кунда Тўртсари қишлоғида 207 та хонадон, 221 та оила ва аҳолисининг умумий сони 1035 нафар кишини ташкил этса, Чавка қишлоғида 295 та хонадон, 297 та оила ва 1626 нафар киши истиқомат қилади [24]. Мазкур фуқаролар йиғинига Янгикент ва Каприн қишлоқлари ҳам киради. Янгикент қишлоғининг яна бир номи Қораманғит деб аталиб, бу ном шу жойда истиқомат қилувчи уруғ номи билан боғлиқ. Дарҳақиқат ҳам бу икки қишлоқни қуйи Қашқадарё **манғитларининг оқманғит, қораманғит, чолманғит ва тўқманғит** тармоқлари шу жойни макон қилишган. Бу қишлоқлар аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Ҳозирги вақтда

Янгикент қишлоғида 711 та хонадон, 742 та оила ва аҳолиси 2817 нафар кишини ташкил этса, Каприн қишлоғида 401 та хонадон, 426 та оила ва 1441 нафар киши истиқомат қилишади [25]. Шунингдек, Ғузур воҳасида хардури тожиклар, араблар, лўлилар ҳам истиқомат қилишади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, XX асрнинг 20-йилларидан XXI аср бошларида Ғузур воҳаси таркибига кирувчи қишлоқларда асосан ўзбек халқининг **қовчин, керайит, сарой, кўнғирот, манғит** каби қавмлари авлодлари истиқомат қилишади. Табиийки, ушбу кичик мақолада Ғузур воҳаси аҳолиси этник хусусиятларини батафсил ёзишнинг имконияти йўқ. Келгусида мазкур мавзу бўйича янада тўлақонли илмий тадқиқотлар яратиш лозим, албатта.

Адабиётлар рўйхати

1. Сағдуллаев А.С. Особенности оседлого расселения в Южном Согде в эпоху античности. - Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согд. Материалы советско-французского коллоквиума. – Т., 1987. - С. 131-134; Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака. Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. – М., “Наука” 1981. – С. 97-98.
2. Наршахи Мухаммад. История Бухары. Перевод с персидского Н. Лыкошина, под редакцией В. В. Бартольда – Ташкент, 1897. – 124.
3. Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции Ташкентского гос университета по изучению восточной половины Кашкадарьинской области Уз ССР. Сборник научных трудов Ташкентского гос университета, №553. – Т.: 1977. – С. 39.
4. Кўрсатилган асар. – Б. 46
5. Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-XIII вв. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – С. 28.
6. Кўрсатилган асар. – Б. 28.
7. Кўрсатилган асар. – Б. 28.
8. Нафасов Т.Н. Древне-иранские слова в гидронимии южного Узбекистана. Материалы научно-теоретической конференции. Ономотика Узбекистана. – Т., 1987. – С. 9.
9. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М.: «Наука», - С. 225.
10. Смирнова О.И. Места домусульманских культов в Средней Азии. Страны и народы Востока, вып. 10. – М.: “Наука”, 1971. – С. 101.
11. Смирнова О.И. Места домусульманских культов в Средней Азии. Страны и народы Востока, вып. 10 – М.: 1971. – С. 101.
12. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 т. – М.: “Наука”, 1963. – С. 189.
13. Ғузур тумани статистика бўлими. 2012 й.
14. Дала ёзувлари. Ғузур тумани. 2011 й.
15. Дала ёзувлари. Ғузур тумани. 2011 й.
16. Ғузур тумани статистика бўлими. 2012 й.
17. Дала ёзувлари. Ғузур тумани. 2011 й.
18. Дала ёзувлари. Ғузур тумани. 2011 й.
19. Дала ёзувлари. Ғузур тумани. 2011 й.
20. Ғузур тумани статистика бўлими. 2012 й.
21. Ғузур тумани статистика бўлими. 2012 й.
22. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988. – Б. 184.
23. Чавка-ўзбек халқ дostonларида базм, халқ йиғинларида, турли ўйинлар кўрсатиб, кизиқчилик килувчи кишиларга бериладиган лақаб дейилади (Қаранг: Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1988. – Б. 199.)
24. Ғузур тумани статистика бўлими. 2012 й.
25. Ғузур тумани статистика бўлими. 2012 й.

РЕЗЮМИ

В данной статье освещены этнические особенности сельского населения Гузарского оазиса

RESUME

The ethnic peculiarities of rural population of Guzar oasis are illuminated in this article.